


# Болалар учун алимент



## Ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбурияти

- Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки **суд буйруғига асосан алимент ундирилади.**
- Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан [қонунда белгиланган миқдорда](#) алимент ундириш тўғрисида **даъво қўзғатишга ҳақлидир.**
- Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини **ўзаро келишган ҳолда** белгилашга ҳақлидирлар.
- Вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартиби ва шакли ҳақида ота-она ўртасидаги келишув қонунда белгиланган қоидаларга ва **боланинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак.**

## Ота-онанинг вояга етмаган болаларига тўлайдиган алимент миқдори

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида **келишув бўлмаса**, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг:

- **бир бола учун** — тўртдан бир қисми;
- **икки бола учун** — учдан бир қисми;
- **уч ва ундан ортиқ** бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади.

Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан **камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.**

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.**

## Ота-онанинг вояга етган болаларига алимент тўлаши

- Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига **таъминот бериши шартдир.**
- Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг **келишувига биноан амалга оширилади.** Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал қилинади.
- Ота-онадан вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, **ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.**

### **Ота-онадан болаларга ундириладиган алимент миқдорини аниқлаш тартиби**

- Ота-онадан болаларга ундириладиган алимент миқдори алимент тўловчининг ойлик иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан **улушлар ҳисобида ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.**
- Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёинки ота-она расман белгиланган **иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса**, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланиши лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.
- Алимент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида пул ёки натура тарзида олинган **барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади.**
- Чет эл валютасида олинадиган даромадлар алимент ундириладиган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси **Марказий банкининг расмий курси** бўйича сўмларда ҳисобланади.

Агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс шу даврда ишламаган бўлса ёки унинг иш ҳақи ва (ёки) даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундирилаётган вақтда алимент **Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади.** Агар қарзни бундай белгилаш тарафлардан бирининг манфаатларига жиддий путур етказса, манфаатларига путур етказилган тараф судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни инобатга олиб, қарзнинг пул билан тўланадиган қатъий суммасини белгилаши мумкин.

**Жиноят ишлари бўйича**

**Олтинсой туман судининг раиси**

**К.Назаров**